

Қатағон қурбонлари учун Қуръон тиловат қилинди



12:06 / 31.08.2019 3312

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 31 август кунини эрта тонгда Шаҳидлар хотирасини хиёбонига ташриф буюриб, қатағон қурбонларини ёд этиш маросимида иштирок этди.

Ушбу маросимда **Қуръон** тиловат этилиб, халқимиз озодлиги учун фидо бўлган инсонлар ҳақида дуо қилинди. Анъанага кўра, элга ош тортилди.

Хиёбондаги рамзий қабр ёнида нуронийлар, уламо ва зиёлилар билан мулоқот бўлиб ўтди.

Фидойи ва ватанпарвар боболаримизнинг ҳаёти ва меросини ўрганиш, хотирасини абадийлаштиришга катта эътибор қаратилаётгани қайд

этилди. Мамлакатимиздаги тинчлик, эркинлик ва тўкинликнинг қадрига етиш, дилинг Аллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин деган ғояга амал қилиб, ҳамма соҳаларни ривожлантиришга интилиш, ёшларни кенг дунёқарашли, ватанпарвар инсонлар қилиб тарбиялаш муҳимлиги таъкидланди.

***Islom.uz* портали таҳририяти**